



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
қоғажати
бўқ
дават

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 13 август, 167 (2995)

Сешанба

ХОМАШЁ КЎПАЙМОҚДА

● Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда қора ва рангли металл парчаларини тўплашни кўпайтириш имкони мавжуд. Уларни пешма-пеш металлургия қўшма-ишлаш жўнартиш доллари вазибалардан биридик. Зеро, металл парчалари қайта ишланганда, барча турдаги санат корхоналари учун зарур хомашёга айланади.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва тайёрлаш бўйича белгиланган режа асосан бажарилган таъкидланди. Шу билан бирга жойлардаги айрим ташкилот ва корхоналар хомашё етказиб беришда сусткашликка йўл қўймоқда.

Шу боис йиғилишда тегишли вазирлик, кўмита, ташкилот ва вилоятлар раҳбарларига қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш борасидаги режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

(ЎЗА).

ЧОРВАДОРЛАР АНЖУМАНИ

Тайлоқ туманида "Чорвачиликни ривожлантириш ва уруғчилик селекцияси ишларини таъминлаштириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, БМТнинг озиқ-овқат ва чорвачилик масалалари бўйича ташкилоти вакиллари, Самарқанд вилояти чорвачилик билан боғлиқ корхона ва муассасалар ходимлари иштирок этди.

Анжуман давомида иштирокчилар тумандаги "Боғизон" ширкат ҳўжалигида бўлиб, соҳани ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди. Шунингдек, қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий таъкирлиш институт фаолияти билан танишди.

У.РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.



Она замин саховати

● Пишиқчилигу тўқинчилик фасли ёз оёқлаб қолди. Бироқ жаннатмонанд заминимизнинг саҳий кузи олданда. Бугун боғлардаги мевалар ҳам, шикомдаги узумлару, ҳамто полдиздаги тилими тилини ёрайдиган қовунлар ҳам саратон қўшига тўйиниб тарқ пишди. Йил ҳосилидан барча мамнун. Жорий йилда 14 гектар ерда деҳқончилик қилаётган ёёвонлик фермер Абдукарим Абдуразоқов ҳам даласига

боқиб кўнгли таскин топади. Ўзи етиштирган обиновоту шакарлақлар нафақат ёёвонликлар, балки кўшни туман аҳолисининг ҳам дастурхонини безашидан қувонади.

— Қовунларимизга офтоб нуридан ташқари меҳримизни ҳам қўшганмиз, — дейди Абдукарим Абдуразоқов (суратда) фарзандларига қовун тилимаб берар экан.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон-Япония:

Ҳамкорлик уфқлари кенгайди

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга давлат ташрифи дунё микёсидаги умумий ижобий ўзгаришлар вазиётида Ўзбекистон — Япония муносабати анча самарали ва истиқболли эканлигини яна бир қарра ёрқин намойиш этди.

Ўзбекистон делегацияси сафардан қайтган, унинг таркибида Японияда бўлган республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидқор ОРИЛ ФУЛОМОВ билан суҳбатлашишга муваффақ бўлди.

— Кунчиқар мамлакатда бўлган учрашулар Сизда қандай таассуротлар қолдири? Уларда қандай натижаларга эришилди?

— Давлатимиз раҳбарининг Японияга ушбу ташрифи кунларида, жумладан, таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи шартномалар имзоланди, томонлар ўртасида таълим тизими йўналишидаги алоқаларни таъминлаштиришга доир масалалар билан мунтазам шуғулланиб, уларни муҳокама қилиб, ечимини толувчи доимий ишчи комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Япо-

ниялик ҳамкасблар билан бу галги учрашув — дўстона мамлакат вакиллари билан ҳамкорлик бонида мутлақо янги, юқори поғонадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ислам Каримовнинг давлат ташрифи Японияда жуда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон олиб бораётган таъқи сиёсатининг жозибдорлиги, давлатимиз раҳбарининг сиёсий арбоб сифатида ўзига хос ёрқин шахсияти барча доираларда улкан эҳтиромга сазовор бўлди. Японияда шахсан мен ким билан учрашмай, ўзаро суҳбатлар пайтида меҳмонлар бу ташрифини ўзаро ҳамкорликдаги янги бир давр сифатида

баҳоладилар.

Японлар мамлакатимизда амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига катта қизиқиш билан қарамқоллар. Мулоқотлар пайтида бу дастурнинг стратегик аҳамияти кўп бор таъкидланди.

Давлат сафари дастурини Васеда университетига ташриф ҳам ўрин олган эди. Бу даргоҳда университет Илмий Кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди.

— Шу ўринда Васеда университети тўғрисида батафсилроқ сузлаб беришигизни сўрамоқчимиз.

— Васеда Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртиларидан бири. Бу олий таълим даргоҳига бундан бир аср олдин — 1902 йилда асос солинган. Университетда 50 мингдан зиёд талаба таълим олади. Талаба ёшлар бу ерда сиёсий фанлар, иқтисодиёт, ҳўқуқ, таълим, тижорат, ижтимоий фанлар мактабларида чўқур билан олади.

Университет битирувчилари юксак билими ва малака-

лари билан ажралиб туради. Уларнинг ақарияти бугун Япония ҳўкуматида ва бошқа мамлакатларда йирик сиёсий ва давлат лавозимларида меҳнат қилмоқда. Масалан, Япониянинг собиқ бош вазирлари К.Огути, Й.Мори худди шу университетда таълим олганлар. Япония Консуллари Миллий палатасининг 18 нафар аъзоси ҳам шу университетнинг собиқ талабаларилик.

Мени университет кутубхонаси ҳайратга солди. Ушбу маърифат маскани Васеда университетининг фахрий йўналишида. Кутубхона "Интернет" орқали бутун дунё билан боғланган. Бу ерда видеоконференциялар, илмий баҳслар ўтказилади. Унинг залларида Франция, Англия, Америкадан келган академик ёки профессорлар маърузасини ҳам тинглаш мумкин.

Университетда халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, ахборот ва телекоммуникация технологиялари бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш тизими ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Мазкур йўналишларда, чиндан ҳам, халқаро андозлардаги олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда.

Шуни мамуният билан таъкидламоқчиманки, бу нуфузли олий ўқув юрти йилнинг бошларида ўзбекистон олий ўқув юртиларининг 8 нафар ректори ўз малакаларини оширдилар.

(Давоми 3-бетда).

нияимизнинг «BS-1» канали орқали бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири халқаро терроризмга қарши курашга бағишланган таҳлилий кўрсатувни эфирга узатдик. Ушбу дастурда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 11 сентябрь воқеаларидан олдин жажон жамоатчилигини бир неча бор терроризм хавфидан огоҳлантирилганлиги алоҳида эътибор

(Давоми 3-бетда).

Ўқинг!

...«Васеда» мадҳияси тантанавор оҳангларида таралиб садо берди.

3-бет

Уни жамоада ҳамма «Уста ака» сифатида танийди.

4-бет

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан

РОҲАТИЖОН «МАТИЗ»

● Марказий Осиё минтақасида ягона енгил автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидан номи она тилимизда «роҳатижон» деган маънони аниглагучи «Матиз» енгил машиналари чиқа бошлаганига бир йил тўлди.

Президентимиз Ислам Каримов ўтган йил 17 августда Асакадаги заводнинг янги қонвейери ништа туширилишига бағишланган маросимда «ЎзДЭУавто» корхонасининг олий ярим йиллик қисқа вақтда барпо этилганлигини «Матиз» деб ном олган, ҳар томонлама замонавий, харидор енгил машиналар чиқа бошлаганининг ўзидек мазкур корхона истиқболи ва келажакда нақадар мустаҳкам ҳамда порлоқлигининг далолати экани таъкидлаган эди.

Бу азим корхона ишга тушганидан буюн ўтган олти йил давомида барчага манзур бўлаётган салкам 144 минг «Нексия», 80 минг «Тико»,

65,5 минг «Дамас» ва 7 мингдан зиёд «Матиз», жами — 296 минг автомобиль чиқаргани, дунё бозоридаги кўчли рақобат шароитида хорижа қарий 58 мингта енгил машина экспорт қилгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

Ўтган даврда завод фаолиятини маҳаллийлаштириш мақсадида бир неча ўнлаб янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ мутлақо янги тармоқ юзга келди, минглаб иш ўринлари очилди.

Бугунги кунда ички бозорда 85 тожирлик ва қўрқдан ортик ўрта ва кичик бизнес корхонаси миллий автомобил-


ларимиз савдоси билан беовисита шуғулланаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, аввало, ҳамюртларимиз «ЎзДЭУавто» енгил машиналарини ўз лиди ва истигидан келиб чиққан ҳолда энг яқин дўконлардан бемалол харид қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Автомобилларимиз хорижий мамлакатлар, хусусан, МДХ бозорларида ўзининг сифати, таъқи ва ички безаги, нисбатан арзон ҳамда қулайлиги билан гоят қадрланапти.

Ҳозир биргина Россия шаҳарларида «ЎзДЭУавто»нинг 19 савдо ва хизмат кўрсатиш шохбаси ишлаб тургани бунинг яқоқ далолидир.

Айтиш жоизки, «Нексия» ва бошқа машиналаримиз ишгоқ қилган асосий ташқи бозорларда замон талабларига ва халқаро андозларга тўла жавоб бера оладиган, ҳар томонлама қулай, илҳам, илгор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган, бир суз билан айтганда, иеми жисмига мос «Матиз», айниқса, катта эътибор ва қизиқиш билан кутиб олинди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 13 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобоватлари юртиши, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмога нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	413,23
1 Англия фунт стерлинги	1171,81
1 Дания крониси	100,19
1 БАА дирҳами	208,82
1 АҚШ доллари	766,94
1 Миср фунти	166,00
1 Исландия крониси	8,98

1 Канада доллари	488,43
1 Хитой юани	92,66
1 Малайзия ринггити	201,95
1 Польша злотийси	183,26
1 СДР	1009,10
1000 Туркия лираси	0,47
1 Швейцария франки	511,94

1 ЕВРО	746,31
10 Жанубий Корея вон	6,39
10 Япония иенаси	64,02
1 Россия рубли	24,30
1 Украина гривнаси	143,92

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

АМАЛИЙ ИШЛАР ИЖОБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқорилганларни назарда тутиб, қўмита ушбу масалага яна қайтишни лозим топди. Депутатлар ишчи гуруҳи мавжуд аҳолини атрофича ўрганиб чиқди. Натига қандай деген? Келинг, ҳаммасини бир бошдан гапирайлик. Жиззах вилояти ҳокимлиги маҳаллий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу ойдаёқ тегишли тадбирлар режасини белгилади. Унда вилоят ҳудудига фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг гўявий-сиёсий таъсирчанлигини ошириш, мавбуот сифатларини кенг тарғиб қилиш, янги рўқиялар оқиши, замонавий офсет босма усулига ўтиш, туман газеталарининг тиражини кўпайтириш ва уларнинг модал-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Айтиш мумкинки, мавбуот воситаларига кўрсатиб келинаётган бундай гўявийлик унинг ижобий самараларини берапти. Утган давр мубайнада юқоридаги қўнунлар ижросини таъминлаш юзасидан бир талай ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳол на шулар тартибидан кўпайганлиги, полиграф сифатининг яхшиланишига ҳам эътибор қўйилган. Мисол учун «Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» вилоят газеталари ҳозирда тўлиқ офсет усулига ўтказилган, уларнинг тиражи 1500 нусхадан 4000 нусхага кўпайган. Вилоят радиоси ва телевидениеси, маҳаллий газеталар сифатларида «Озма-ю», «Учрашув», «Очиқ мулоқот» рўқиялари остида мазмунли кўрсатувлар, эшиттириш ва мақолалар мунтаза бериб боришмоқда.

Кўпгина туман газеталари бир пайтлар маблағ йўқлиги

дан ёпилиш оstonасига келиб қолган эди. Эндиликда уларнинг тиражи муттасил ошиб бораёпти. «Фориш тонги», «Мирзачўл овози» туман газеталарининг 2000-2100 нусхадан чоп этилаётганлиги фикримизга мисолдир. Ваҳоланки, улар яқин вақтларга атиги 350-550 нусхадан тарқалар эди.

Бу каби ижобий ўзгаришларнинг самараси ҳақида кўп гапириб бўлмайди. Аммо, очиқ эътироф этиш керак, юқорида тилга олинган қўнунлар ҳамма жойда ҳам ўзининг тўлиқ ижобатини топаётгани йўқ. Қатор мавбуот нашрлари, жумладан, туман газеталари фаолиятида фикрий саёзлик, таҳлилнинг етишмаслиги яққол кўзга ташланади. Айрим мутасадди раҳбарлар тандки чикишларга нисбатан қолайд муносабатда бўлиб, уларга вақтида жавоб қайтаришни уларига эп қўймайди. Бу эса танқидий кўрсатув, эшиттириш ва мақолаларнинг таъсир кучини йўққа чиқариши аниқ. Таҳрирларда малакали журналист кадрлар етишмайди. Баъзи бир туман газеталарининг полиграфик базаси ҳамон очоқ.

Кўмита йиғилишида қўнун ижросини ўрганиш жараёнида аниқланган шу каби камчиликлар атрофича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди.

Сўрашингиз мумкин: қўмита асосан назарот-таҳлил фаолияти билан шуғулланиб, бошқа муҳим ижтимоий масалаларни эътибордан четда қолдираётгани йўқми? Йўқ, ундай эмас. Хабарингиз бор, 2002 йил Ўртабўшимиз томонидан «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинди. Бундан мақсад кекса инсонларнинг иззатини жойига қўйишдангина иборат эмас. Ёшлар тарбияси, юрт истиқболли, Ватан равақли, маъна-

вий қадриятлар узвийлигини таъминлаш, жамиятимизда умумхалқ умумлашган ишга айланиш. Шу жиҳатдан олиб қараганда, эл-юрт таъинишида сочи оқарган отахон ва онахонларга кўрсатиб келинаётган ҳўрмат-эътиборда те-ран маъно бор. Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Бинобарин, қарияларни қадрлаш, уларга чинкам меҳр-муруват кўрсатиш биринчи таддаги инсоний бурчимиздир.

Президентимизнинг кекса авлода эътибори ва гўявийлигини мен ана шундай тушунаман. Яқин биламизки, кишиларнинг маънавий онги ва тафаккурини бойитишда турли оммавий тадбирларнинг аҳамияти катта. Шунини ҳисобга олиб, долзарб мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари, учрашув ва кечалар ўтказиб тураемиз. Мана, бир мисол. Қўмита билан «Онда ва аёллар муаммолари» комиссияси ҳамкорлигида таъкид этилган. «Оммавий ахборот воситаларида маънавий ва қадрият мавзуларининг акс этирилиши» мавзусида семинар барчада катта таассурот қолдириб ва қизгин бахс-мунозараларга сабаб бўлди.

Семинарда, шунингдек, маънавий-маърифий мавзуларнинг Ўзбекистон Телевизиокомпанияси, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари ва бошқа даврий нашрлар томонидан қандай ёритилаётганлиги оид фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилиди, гадаги вазифалар белгилаб олинди.

Хуллас, қўмитамиз ўз фаолият доирасини кенгайтириб, ҳаёт билан ҳамқалам бўлишга интиляпти. Ҳаётга ақинлик эса, ўз-ўзидан аёнки, амалдаги қўнунлар ижросини таъминлаш, ислохотларни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбири Носир ТОШЕВ ёзиб олди.

Маҳаллий Кенгашларда

● Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида экология масалалари бўйича доимий комиссиянинг ҳисоботи эшитилди. Комиссия раиси Гавҳар Қиличева шу хусусда сўз юритаркан, амалга оширилган ишлардан кўра, мавжуд муаммолар, келгусида бажарилиши зарур бўлган юмушларга эътиборни қаратди. Шаҳардаги нуфузли ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларини аямади, атроф-муҳит тозаллиги, табиат мусофоллигини таъминлаш юзасидан жуғли фикрларни ўртага ташлади.

ФАОЛЛИК — МУҲИМ МЕЗОН

Албатта, бунга тўла асос бор эди. Зеро, табиат мусофоллигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ халқ депутатлари вилоят кенгаши таркибига 6 та доимий комиссия фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида экология масалалари комиссияси зиммасидаги юк анча салмоқли. Нега десангиз, Навоий шаҳри ва унинг атрофидаги экология мувозанат барқарор эмас. Тоғ-кўн ишлари ва уларни бойитиш, металлургия, машинасозлик, кимё, қурилиш, энергетика, транспорт тармоқларининг қўлиги атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатаёпти. Гоҳида ушбу соҳада амалга ошири-лаётган амалий тадбирлар ҳам қўнунларга бериб бериб келинган.

Хўш, доимий комиссия нимага қарайди? Тегишли муҳокама ва муҳокамалар билан мавжуд аҳолини бартараф этиб бўладими? Фикримизча, ҳамма гап комиссия аъзоларининг қатъияти, талабчанлиги, энг мақбۇл ечимларни топа олишида. Зеро, экология муҳофазаси ижтимоий ҳўмоннинг ажралмас қисми-дир. Экология ва саломатлик, юқумли касалликлар тарқали-шинини олдини олиш, кўка-ламзорлаштириш ва ободон-лаштириш масалаларида жил-дий эътибор қаратилаётганли-ги ўз самарасини берапти.

Маълумотларга қараганда, вилоятда атмосферага чиқарилаётган захари газлар миқдори ўтган йилга нисбатан 22,3 тоннага камайган.

Лекин бу хотиржамлик учун асос бўлолмайди. Навоий шаҳрида кейинги пайтда аллергия касалликлар ўртача ўн мартага ошган, яъни шаҳар аҳолисининг 23 фоизи ана шундай хасталикларга чалинган. Мутахассислар фикрича, минтақа иқлимининг қуруқ-иссиқлиги, ҳавога кўтарилаётган захари тўнунлар, атроф тўнунларнинг анчаси шомол, чанг-тўзон бўлиб тура-диган ҳўш ҳудудларида жойла-шганини турли хил касал-ликларнинг тез тарқалишига шартин тулғирмоқда. Мавжуд вазиятни яхшилаш, жойлар-да соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан қарор тадбирлар амалга оши-риляпти. Шу йил май ойида «Экологик аллергия» мавзу-да республика илмий-амал-лий анжуманининг айнан бу-йилда ўтказилган ҳам бе-жиз эмас. Экологик яқшан-балликлардан тушган маблағ-ларнинг барчаси аҳоли соғ-лиги муҳофазасига йўналти-рилмоқда. Бундан ташқари «Табиат: кеча, бугун, эртага», «Гуллар ва қўнунлар байрами», «Келажакимиз ва экология» каби қўриқ-танловларни ўтказиш, «Экология ва биз-нинг келажакимиз», «Соғлом му-ҳит — соғлом кексаллик» дас-турларининг ижросига алоҳи-

да масъулият билан ёндо-шилмоқда. Бундай тадбир-ларга давлат ва нодавлат таш-килотлари, жамғармалар, бар-ча меҳнат жамоалари жалб этиляпти. Шу тариқа аҳоли-нинг экологик фаоллигини оширишга эришиляпти.

— Вилоят табиатни муҳо-фазаси қилиш ташкилоти билан ҳамкорликда иш юритиш яқин самара берапти, — дей-ди комиссия раиси Гавҳар Қиличева. — Режа бўйича ўтказилаётган тадбирлар-да аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш муддатлари қисқартрилди. Масалан, бултур 287 та кор-

Воқеалар ва тафсилотлар

«Карвон бозори»га — Халқаро Олий сифат соврини



● Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридан хушхабар келди, Тошкентдаги «Карвон бозори» улгуржи савдо компанияси Халқаро Олий Сифат совринига сазовор бўлди. Бу ҳақда XVI Халқаро конвенция махсус қарор қабул қилди. Юскак муқофот эса тантанали равишда компания раиси Равшан Раҳимовга топширилди.

Халқаро конвенциянинг ташкилотчиси «Бизнес Ини-циативе Деректос» компания-си бўлиб, булғи компания-нинг рамзи туширилган Олий Сифат — 100 модели технология дунёдаги 163 та мамлакатта тақдим этилган. Бу дунёда махсудот ва хиз-матлар сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш учун му-стаҳкам асос ҳисобланади.

Халқаро Олий Сифат сов-ринини топшириш мароси-мида «Бизнес Инициативе Деректос» компаниясининг президенти, жаноб Хоссе Э. Прието, шунингдек, дунё-нинг турли мамлакатларидан келган иштирокчилар, дипло-матик корпусларнинг ва-киллари иштирок этиди. Жан-об Хоссе Э. Прието сўзга чиқиб, «компанияларнинг му-қофотлаш олий сифат, етак-чилик, янги технология ва инновацияга бўлган инти-лишининг ёрқин иродаси эканлиги, бу тегишли тар-моқларга ўз йўналишларида намуна бўлиб хизмат қили-шини таъкидлаб ўтди.

Муқофотланганлар ораси-да «Карвон бозори» улгуржи савдо компаниясининг ташқар-и Франция, Бельгия, Рос-

сия, Греция, Ҳиндистон, Ин-донезия, Малайзия, Испания, Португалия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг компаниялари ҳам бор.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Халқаро Олий Сифат соврини сўнги техноло-гияни ёйиш ва қўллаб-қувват-лаш тисмоли сифатида дунё коммуникация тармоғининг ўзига хос воситаси вазифаси-ни ўтайди. Бу муқофотга лойиқ топилган компания-нинг эса маркетинг, реклама соҳасида корпоратив нуфузи-ни кўтариб, фаолиятининг рентабелли даражасини оши-радди, дунё бозоридagi ўрни-ни мустаҳкамлайди.

«Карвон бозори» компа-ниясининг бундай нуфузли совринга сазовор бўлганлиги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжа-миятида ўрни тобора мустаҳ-камланиб бораётганлигини да-лолат беради.

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТГА: «Карвон бозори» улгуржи савдо компанияси раиси Равшан Раҳимов Халқаро Олий Сифат совринини қабул қилиб олмоқда.

«Олтин деру» хорижни кўзлайди

● Ҳамкорликда ҳикмат қўп. Олтинқўлдаги Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси — «Олтин деру»да олиб борилаётган ишларни кўрган киши бу сўзларнинг нечоғли ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилади. Эътироф этиш керакки, корхонада ишчиларнинг умумий ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Шу боис ҳам «Олтин деру»да жорий йилнинг олти ойида 248,1 миллион сўмлик махсудот ишлаб чиқаришга эришилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 мартага кўпдир. Йилга 450 минг донга тегини қайта ишлаш ва 45 минг донга тайёр чарм махсудотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада айни кунларда 180 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилишяпти.

— Биз тикаётган табиий чармдан тайёрланаётган кийим-кечалар хорижикидан сираям қолишмайди. Сифатли, бежирим, устига-устак нархларимиз балан эмас, — дейди тикувчи Гулнора Каримова. — Мақсадимиз нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам сифатли махсудот тайёрлаш.

Суратда: қўли гул чевар Гулнора Каримова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



РОҲАТИЖОН «МАТИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Матиз»ни бевоқифа бошқариб, амалда синиб кўрган россиялик та-ниқчи мутахассис Игорь Комаров-нинг эътирофи эътиборга, мақбур ав-томобиль «кичирок бўлса-да, ичи кенглири». Негаки, машина ташқар-идан қараганда митти кўринса-да, унинг орқа ўринидаги икки киши бемалол жойлашиши мумкин. «Ма-тиз»нинг юқонасини ҳам унчалик кичкина деб бўлмайди. Зеро, у Рос-сиянинг «Ока» автомобилли юқо-насидан қарийб икки баробар кенг.

Умуман айтганда, дейди И.Ко-маров, «Матиз» автомобилли ўз со-ҳибини учун «ВАЗ» заводининг «08» ёки «10» русумидаги доврўқли ма-шиналарига нисбатан анча-мунча афзалликларга ва бир талай қўлай жиҳатларга эга.

Яна бир россиялик мутахассис — «Автокей» компанияси автомо-биллар савдоси департаменти ди-ректору ўринбосари Дмитрий Шу-стровнинг таъкидлашича, яқин ора-да маҳаллий автомобиллардан кўнги тўлган россияликлар ҳисоб-ига «Матиз» харидорларни сафи янада ортинч қўшилмоқда.

Бу эса жорий йилда биргина Россия бозорларининг ўзидан 2500 тагача шу русумдаги машинани со-тиш имконини мавжуд дегандир. Мақбур автомобилнинг яна бир ус-тунлиги шундаки, дейди Д.Шу-стров, кейинги йилларда «УДЭУав-то» махсудотлари бу ерда етарлича доврўк ва эътибор қўзибни улгур-ди. «Узавтосаноат» уюмасининг Киевдаги ваколатхонаси орқали «Матиз» Украина бозорларига ҳам чиқмоқда.

Яқинда «Нексия» Хитой Халқ Республикаси андозалари талаб-ларига тўла жавоб беришини тасдиқ-ловчи махсус сертификат автомо-

билдиримизга топширилган эди. Айни чоғда «Матиз» учун ҳам худ-ди шундай сертификат олиш бўйи-ча ишлар нўҳоясига етмоқда ва ал-лақандан иттиҳотлик ҳамкорлар билан автомобилларнинг экспортини таш-кил этиш юзасидан музокаралар бошлаб юборилган.

Булларнинг бари — «Матиз»нинг бор-йўғи бир йилда ички ва ташқ-и бозорда нечоғли назарга тушган-дан далолатдир.

Ўз навбатида, «УДЭУавто» қўшма корхонасида ана шу русум-даги энгил машиналар чиқадиган янги линиянинг ишга туширили-ши мақбур завод технологияли са-лоҳияти ривожига ҳам муҳим аҳа-мият касб этиди.

Ушбу лойиҳа доирасида ўтган йили ўзбек автомобилсозларидан 84 нафари Жанубий Кореянинг «ДЭУ мотор» компанияси заводларида таърибга ўрганиб қайтди. Завод ишчи ва ходимларининг 1994-95 йиллардаги дастлабки шундай са-фардошларидан фарқи равишда, бу гал юртдошларимиз корейлик ҳамкасб-лари билан автомобилсозлик заво-ди бошқаруви бўйича етарли мала-кага эга мутахассис сифатида таж-риба алмашиш, тенгма-тенг муло-қотла бўлди.

Бу ҳам юртимизда автомобил-созларнинг бутун бир авлоди шакл-ланиб келаётганлигини ўзига хос да-лили сифатида кишини қувонти-ради, кўнгиларни янги-янги орзу ва умидларга ошно этади. Юртбо-шимиз таъкидлаганидек, бу замо-навий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижоб-ий таъсир этиб, халқимизнинг гу-рур ва ифтихорини уяғотиб ю-қоргани биз учун алоҳида аҳа-миятга эгадир.

Ғуллом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.

31 август — Катағон қурбонлари хотирасини ёд этиш куни

● Дунё тасодифларга тўла. Ўтган йили Кармандаги Қосим шайх Азизон тарихий ёдгорлик мажмуи қайта таъмирланиш чоғида Тоҳир Аҳмаджонов деган сангтарош кўпчиликни лол қолдирди. У Сайид Амир Абдулаҳадон даҳмаси дарвозаси пештоқига ёзилган марсиянинг мазмунини гўё қалб кўри билан сайқаллаштирди. Маълум бўлишича, бобо қўли билан мармарга ўйиб ёзилган битиклар неваро нигоҳида ўзгача жозиба кашф этган экан. Шу хусуси пи-шиқ йиғит республикамизнинг биринчи сан-гтароши Абдураҳим Фозгонийнинг невараси эканини билганлар ҳаёт уйларига иқроб бўлишди. Тоҳир Аҳмаджонов эса бобоси ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашдан асло чар-чамасди.

Ғозғонийнинг қисмати

Қадим Нурутанинг Ғозгон қишлоғида ту-рилган Абдураҳим Тур-диев (муҳандис) сангтарошлик касби олдий хуна-ри билан номини боқий-ликка қолдира олган ин-сон. У шайх оиласида зукко, ақли бўлиб во-яга етди. Ота-боболари ҳам сангтарош эмасми, кося, товоқ, пиёла, ҳай-вонлар ва ҳар хил устун-ларнинг мармар тошлардан ясаши кўпчилик эътибо-рини тортиди. Ҳамма уни муҳандис дея аташди.

Отаси ҳожи Турдум-урод Абдураҳимнинг чу-қур билими олпинга им-конияти яратди. Бухоро мад-расаларида Саларидин Айний, домла Ҳалим

Ибодовлар билан бирга таҳсил олди.

1920 йилда Ситоран Моҳи-хоса қурилишини Абдураҳимга топшири-шди. Сангтарошдан мам-нуни бўлиб, фаввора учун улкан мармар қозон қувур, ҳовуз учун тим-соҳ боши қиёфасини ясашга киришди. Аммо Бухорони руслар босиб ол-гач, уларнинг бир қис-ми туғланмади қолди.

Уста ўзи туғлиб осган жойда ҳам улкан сангт-рудонларини авлодлар-га қолдирган. Ғозгондаги Шоҳмардон қишлоғида тошдан ясалган 9 ғумбаз-ли масжидда 300-350 ки-шининг намоз ўқиш им-конияти бор. Имом

Ҳасан, Имом Ҳусан мас-жидининг ўртасидаги тўрт метрлик мармар ус-тун, катта ҳовузнинг бир томонида шер, иккинчи томонида балиқ шакли шу қўли гул киши то-монида таъкидланган Қосим шайх Азизон та-рихий мажмуасидаги Сайид Амир Абдула-ҳадон даҳмаси ҳам унинг раҳбарлигида тик-ланган.

1920 йили Бухоро забт этилди. Вақт ўта-ди. Ўзбекистон Респу-бликаси тузилади. Фай-

ҳовузнинг сув қиради-ган жойида, иккинчиси Ғозгондаги ҳовуз лабида турди. Бу сангт наму-налари йиллар оша ўзга-ча кўрк ва салобат бағиш-лайвериши турган гап.

Қаранг-а, шундай ноёб истисдод эгасини ҳам 1937 йилнинг ашаддий тўфонлари ўз домига тор-тиди. У Сибирга сургун қилинади. Ҳали-ҳануз оғайнилари, неваралари уста қабрининг қаердали-гини билишмайди.

Лекин Абдураҳим Тур-диев қўли теккан иморат-лардаги нақшлар, ёзув-лар, нодир буюмлар унинг абадий барҳаёли-гидан садо бериб тур-ибди. Сулоласи бобо хуна-рини ардоқлаб, сермашқ-қат касбин қўқларга кўта-ришмоқда. Набирлар — Туркман ва Ортықбой Эсановлар республика «Ташаббус» кўрик-танло-вининг ғолиблари, То-ҳир, Уткир, Мухтор Ра-ҳимовлардек набирлар, Яшин Сандов, Тўхтаму-род Исмоилов каби жи-ялар, Абдураҳим, Абду-раҳим Аҳмедовлардек эвараларни Навоёнда кўпчилик таниди. Улар боболари рўҳини шод этишини ҳам қарз, ҳам фарз деб билишди. Қиш-лоқ аҳли эса қўли гул уста, олим, ҳофиз ном-ини абадийлаштирган. Урта мактаб унинг номи билан аталади. Зеро, ҳанузгача «беларк йўқол-ганлар» рўйхатидаги би-ринчи ўзбек ҳайкалта-рининг номи ҳеч қачон унутилмади. Истиқлол офтобиди у янада яқри-раб, жилдониб акс эта-веради.

Лекин Абдураҳим Тур-диев қўли теккан иморат-лардаги нақшлар, ёзув-лар, нодир буюмлар унинг абадий барҳаёли-гидан садо бериб тур-ибди. Сулоласи бобо хуна-рини ардоқлаб, сермашқ-қат касбин қўқларга кўта-ришмоқда. Набирлар — Туркман ва Ортықбой Эсановлар республика «Ташаббус» кўрик-танло-вининг ғолиблари, То-ҳир, Уткир, Мухтор Ра-ҳимовлардек набирлар, Яшин Сандов, Тўхтаму-род Исмоилов каби жи-ялар, Абдураҳим, Абду-раҳим Аҳмедовлардек эвараларни Навоёнда кўпчилик таниди. Улар боболари рўҳини шод этишини ҳам қарз, ҳам фарз деб билишди. Қиш-лоқ аҳли эса қўли гул уста, олим, ҳофиз ном-ини абадийлаштирган. Урта мактаб унинг номи билан аталади. Зеро, ҳанузгача «беларк йўқол-ганлар» рўйхатидаги би-ринчи ўзбек ҳайкалта-рининг номи ҳеч қачон унутилмади. Истиқлол офтобиди у янада яқри-раб, жилдониб акс эта-веради.

Лекин Абдураҳим Тур-диев қўли теккан иморат-лардаги нақшлар, ёзув-лар, нодир буюмлар унинг абадий барҳаёли-гидан садо бериб тур-ибди. Сулоласи бобо хуна-рини ардоқлаб, сермашқ-қат касбин қўқларга кўта-ришмоқда. Набирлар — Туркман ва Ортықбой Эсановлар республика «Ташаббус» кўрик-танло-вининг ғолиблари, То-ҳир, Уткир, Мухтор Ра-ҳимовлардек набирлар, Яшин Сандов, Тўхтаму-род Исмоилов каби жи-ялар, Абдураҳим, Абду-раҳим Аҳмедовлардек эвараларни Навоёнда кўпчилик таниди. Улар боболари рўҳини шод этишини ҳам қарз, ҳам фарз деб билишди. Қиш-лоқ аҳли эса қўли гул уста, олим, ҳофиз ном-ини абадийлаштирган. Урта мактаб унинг номи билан аталади. Зеро, ҳанузгача «беларк йўқол-ганлар» рўйхатидаги би-ринчи ўзбек ҳайкалта-рининг номи ҳеч қачон унутилмади. Истиқлол офтобиди у янада яқри-раб, жилдониб акс эта-веради.

Лекин Абдураҳим Тур-диев қўли теккан иморат-лардаги нақшлар, ёзув-лар, нодир буюмлар унинг абадий барҳаёли-гидан садо бериб тур-ибди. Сулоласи бобо хуна-рини ардоқлаб, сермашқ-қат касбин қўқларга кўта-ришмоқда. Набирлар — Туркман ва Ортықбой Эсановлар республика «Ташаббус» кўрик-танло-вининг ғолиблари, То-ҳир, Уткир, Мухтор Ра-ҳимовлардек набирлар, Яшин Сандов, Тўхтаму-род Исмоилов каби жи-ялар, Абдураҳим, Абду-раҳим Аҳмедовлардек эвараларни Навоёнда кўпчилик таниди. Улар боболари рўҳини шод этишини ҳам қарз, ҳам фарз деб билишди. Қиш-лоқ аҳли эса қўли гул уста, олим, ҳофиз ном-ини абадийлаштирган. Урта мактаб унинг номи билан аталади. Зеро, ҳанузгача «беларк йўқол-ганлар» рўйхатидаги би-ринчи ўзбек ҳайкалта-рининг номи ҳеч қачон унутилмади. Истиқлол офтобиди у янада яқри-раб, жилдониб акс эта-веради.

П. АБДУВАҲОБОВ.

Дилтортар суҳбатлар

● «Нуроний» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими ташаббуси билан «Нуронийларнинг дил суҳбатлари» деб номланган кеча ташкил этилди. Кечда халқ ҳўжалиги-нинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб эл назарига тушган, айни пайтда кексалик гаштини сўраётган онахон ва отахонлар тўқин дастурхон атрофида жамул-жам бўлилар. Бир-бирлари билан дийдорлашиб, бугун-ги дорилором кунлар қадри, фарзандлар камоли, юрт эртаси ҳақида қизгин суҳбатлашдилар. Сангтарошлар-нинг чиқарилиши эса кечга ўзгача файз бағишлади.

— Ҳозирга қадар ижтимоий соҳа ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида меҳнат қилган фахрийлар «Боғишмоқ», «Сангзор» оромгоҳларида учрашиб, дилдан суҳбат кур-дилар, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси И. Хўшиев. — Эндиги навбат Жиззах ва Мирзачўл даш-тарларини ўзлаштиришда фаол қатнашган курувчиларга. Шундай қилиб, дил суҳбатларидан барча соҳа фахрий-лари баҳраманд бўладилар.

Эътироф этиш керакки, жойлардаги ижтимоий ҳи-монга муҳтож қариялар, ногиронлар ҳўмийлар эътибо-ридан, «Нуронийларнинг дил суҳбатлари»дан четда қол-маяптилар.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол ва маънавият

● Мустақиллик ва маънавиятнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари нималардан иборат? Ўтган йиллар маънавиятимиз рав-нақи учун нечоғли аҳамият касб этади?

Республика Маънави-ят ва маърифат Кенга-ши Олий ва ўрта маъсу-талий вазирлиги билан ҳамкорликда жойлар

2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили

Ҳорманг, уста ака!

● 1959 йил эди. «Янгийул» газетаси билан ижодий ҳамкорлик қилардим. Уша пайтда газетада Гаври Фаттохов, Туроб Акбархўжаев, Ортиқали Тиловердиев, Зурра Хайдарова каби республикага танилган журналистлар ишларди. «Янгийул» ўшанда Ўзбекистондаги энг эътиборли ва тилга тушган туман газеталаридан бири эди. Газета нафақат мазмунан, балки кифоси суратлар билан безатилиши жиҳатидан ҳам эътиборни тортарди. Хар бир сониде камиде беш-олтитагача турли мазмундаги суратлар босиларди. Хаммасининг тагига «М. Устабобоев фотоси» деб қўйиларди. Шунингдек, бу имзони республикада чиқадиган турли газеталарда деярли кунда-кунаро кўрардим. Бу одам қандай улгурар экан, деб ҳам, ҳайратланар эдим, ҳам ҳавас қилардим. Ахир ҳар кунни дала кезиш, қурилиш майдонларию завод-фабрикалари айланиш, йўловчи машиналарда ўнлаб, юзлаб километр масофани босиб ўтишининг ўзи бўладими?!

итлар эшитгани очди. Натияжада кенг қамровли қобилият эгаси ўзининг нимага қодирлигини намойён этди. Мирсидиқ ака дастлаб кино санъати усталарига бағишланган курсатув-очерклар тайёрлашда ўзини курсатган бўлса, сўнгра ижтимоий-сиёсий йўналишдаги курсатувлар тайёрлашда тилга тушди. «Олтин водий», «Ерқин ҳаёт», «Сихат-саломатлик», «Ноз-неъмат бунёдкори», «Заманда» курсатувлари шулар жумласидандир. Шунингдек, ҳосил байрамлари ҳамда деҳқонларнинг меҳнат ғалабаларига бағишланган махсус курсатувларга режиссёрлик қилди. У ўзининг маҳоратини бадий асарларни телеэкранда сахналаштиришда ҳам синаб кўрди. Жумладан, озарбайжон ёзувчиси Мажид Шамхаловнинг «Кайнона», ҳазоқ ёзувчиси Фаби Мурепоўнинг «Кўзи Кўрпеш ва Баянсулу» асарларини бадий-драматик талқинда телеэкранга олиб чиқди.

Бир кунни йигирма тўрт ёшлардаги акам тенги бу чаққон йигитни газета илорасида кўрдим. Бош муҳаррир Фаттохов баъзи-баъзида штатсиз мухбирларни тўплаб, ҳар бирига номи ёзилган катта альбом-блокнот бериб турарди ва вазифа топширарди. Мирсидиқ деган чаққон, изланувчан, ташаббускор йигитнинг меҳнатсеварлигига ҳамда кўплаб газеталарга чиқишга қўли етиб кетганлигига, тўғриси, жуда-жуда ҳавас қилардим. Шундан кейин мен у кишини кўрмадим. Бироқ бир неча йиллар мобайнида газеталардаги «М. Устабобоев фотоси»га кўзим тушиб турди.



Орадан ролпа-роса 40 йил ўтиб яна дийдор кўришдик. Елкасидан фотоаппарат тушмайдинган чаққон йигит энди оилада бобо, ишхонада Уста ака бўлиб қолибди. Фахрийлар сафига қўшилганига ҳам бир неча йилдан ошган. Бироқ ишларкан, ишлаганда ҳам ёшларни доғда қолдириб, эргаштириб, ибрат кўрсатиб ишларкан. Юзида нурунийлик акс этиб турса ҳам чаққонлик ва меҳнатсеварлик уни ҳамон тарқ этмабди. Энди унинг қалбиде устозларга хос меҳрибонлик акс этиб турарди. Айтгандай, касбини ўзгартирибди. Дастлаб таниёлмадим. Мен сураткаш М. Устабобоев билан эмас, энди Ўзбекистон телевидениесининг олий тоифадаги режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мирсидиқ ака Устабобоев билан юзма-юз сўзлашиб ўтирибман. — Унинг эмисиз? — дейман ишончсиз. — Ҳа, ўзимман, — дейди у қарияларга хос вазирилик билан. — Узариб кетибсиз? — дейман ҳазиллашиб. — Унингиз ҳам бир чеккада ийманиб турган уша пайтдаги ўн олти яшар ўсимрга ўхша-

шогирд тушинг. Ушанда сураткаш М. Устабобоевнинг таржима ҳоли билан қизиқмаган эканман. Буни кейинчалик, яъни қирқ йилдан кейинги дийдор кўришувдан сўнг билиб олдим. ... Мирсидиқ ака Чинознинг Ялмасидан, Деҳқон оиласида тарбия кўрган. Қишлоқ йигити ўрта мактабдан кейин тенгқурларини дол қолдириб Тошкент театр ва расомлик санъати институтининг актёрлик бўлимига ўқишга кирди. Ушанда кетмончининг ўғлидан артист чиқарилди, дегучилар ҳам бўлди. Уқини 1955 йилда тугатди. Артист чиқмаса ҳам режиссёр чиқди. 1960 йилда телевидениега режиссёр ёрамчиси бўлиб ишга кирди. Фото-мухбирлик унинг иккинчи касби, яъни иккинчи истеъдоди эди. Дастлаб ана шу истеъдоди уни бутун республикага танитди. Унинг мазмуни ва сифатли суратлари деярли барча етакчи газеталарда босиларди. Телевидениеда режиссёр ёрамчиси бўлиб ишлар экан. Нишомий номли Тошкент педагогика институтининг тарих ва жамиятшунослик факультетиде сирдан тахсил олди. Сўнгра Россияда режиссёрлик билимини ошириб қайтди. Телевидение Мирсидиқ Устабобоев учун катта имкони-

● **Ўтган шанба кунни пойтахтимизнинг сўлим оромгоҳларидан бири "Боғи Эрам"да Қарияларни кадрлаш йилига бағишланган аския кечаси бўлиб ўтди.**

Аския кечаси

Кеча қатнашчилари водийлик сўз усталари Ж. Пулатов, М. Шираев, А. Акбаров, Н. Тошматов, А. Анваровларнинг ичакуди аскиялари, латифаю хангомаларини тинглаб, мароқли дам олдилар. Эл севган санъаткорлар — Камолдин Раҳимов, Насиба Сатторова, Ҳўтам Аҳмедовларнинг ёр ва диёрни тараннум этувчи кўшиқлари барчага манзур бўлди. Кечанинг фахрий меҳмонлари, маҳалла оқсоқоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари кеча ташкилотчиси — Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигига миннатдорчилик изҳор қилдилар. (Ўз мухбиримиз).



Кўзларингда ҳайрат, болажон...

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-ловҳа.



TS TECHNOLOGY — жаҳон технологиялари даражасидаги миллий маҳсулот!



Товар сертификатлаштирилган № NSSUZ.01.002. 511502-02.

700000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес мажмуи, фарбий томон, 2-ўйлак, 32-офис. Тел./факс: 137-72-91, 137-72-92.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши хузуридаги Фан ва технологиялар маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни таъминлаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 20 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган давлат илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида давлат грантлари асосида қўйилган соҳаларда илмий-техника лойиҳалари ташкилини эълон қилди:

- фундаментал тадқиқотлар (узоқ муддатта — 4,5 йилгача);
- амалий илмий-техник тадқиқотлар (ўрта муддатта — 3 йилгача);
- инновация лойиҳалари (қисқа муддатта — 2 йилгача).

Танловга тегишли зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштиришнинг тартиби ва асосий шартлари билан Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Республикаси Фан-

лар академияси, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлариде ёки Фан ва технологиялар марказининг қуйидаги интернет сайтда танишиш мумкин www.sest.uzsci.net.

Лойиҳалар Фан ва технологиялар марказида эълон берилган кундан 2002 йилнинг 25 сентябрга қадар, шанба ва яшанба кунларидан ташқари ҳар кун соат 14.00 дан 18.00 гача ёки почта жўнатмаси билан (700017, Тошкент ш., Ҳ.Сулaimонова к., 29-уй) қабул қилинади.

Лойиҳалар ижрочиларига қулайликлар яратиш ва танловни муваффақиятли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасарруфидеги илмий муассасаларнинг лойиҳалари тегишли вазирликларда, лойиҳаларни расмийлаштиришнинг тадабларига қатъий амал қилган ҳолда қабул қилинади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
 Фан ва технологиялар маркази: 139-1838, 139-1856
 Фанлар академияси: 133-2981, 133-6847
 Соғлиқни сақлаш вазирлиги: 411-630, 144-1032
 Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: 417-124
 Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: 139-1689, 139-1723

САВОЛ БИЗДАН...

Дунёдаги энг йирик беш портни айтиб беринг.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
 Зонир, Замбия.

136-35-60

ҲИҚМАТ

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчиллади.

«AVTOTRAK»

ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Фаргона водийсида, Термиз, Қарши, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус ва бошқа шаҳарларда филиаллари ташкил қилинган ва раҳбарлигига мутахассисларни ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

МТЗ дизели ўрнатилган ЗИЛ-130, 555... автомобиллар, Д-243 русумли (МТЗ) капитал-тамирланган моторлар ва ЗИЛ-130 газда ишлайдиган мотор **СОТИЛАДИ.**

БАҲОЛАР ЗАВОДИКИДАН АРСОН, СИФАТИ — КАФОЛАТЛИАНГАН!

ИЖАРА-ЛИЗИНГ ШАРТНОМА АСОСИДА **РАФ, ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-31, УАЗ..., ПАЗ, КАВЗ...** автомобилларига дизель ўрнатамиз (тажриба тарикасида).

АВТОКОРХОНАЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

ЗИЛ-130 ва ГАЗ-53 автомобилларига Д-243 (МТЗ) дизели ўрнатилгандан сўнг улар 100 км. масофага атиги 15-17 литр дизель ёқилгиси сарфланади!

Манзилимиз: Тошкент ш., Аэродромная к., 5-уй, (Тошшаҳар ТЗА).

Телефонлар: 123-65-43, 66-46-65, 131-34-65.

Тақлифларни қуйидаги факс орқали юборишингиз мумкин: (8-371) 133-72-58.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировка турмуш ўртоғи **Турсуной ЗОКИРОВА**нинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти ректорати, жамоат ташкилотлари институти ректори Нодирбек Рустамбекович Юсупбековга оғир **ЖАДИДА** аянинг вафоти муносабати билан оғир таъзия билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировка умр йўлдоши **Турсуной ЗОКИРОВА**нинг фожали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси «Шарк-Пресс» нашриёт уйи режиссёри ва ёзувчиси муҳаррири Талъат Юсуповга волидаи муҳтарамаси **Ибтоҳон** ая **СОДИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик компанияси жамоаси Нефть ва газ конларига ишлов бериш бўлимининг бошдиги **Алмамжон Зокировка** оғир фожали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСАЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65
- Мамавиёт ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г — 777,
 27606 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ.
 Офсет усулида босилган.
 Қоғоз бичими А—2.
 Сотувда баҳоси эркин нархда.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
 Навбатчи муҳаррир — **Қ. ЭШМАТОВ.**
 Навбатчи — **С. ДОНИЕРОВ.**
 Мусоҳҳих — **О. АБДУАЗИМОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

□ — тижорат материалли.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
 Топшириш — 21.00.
 1 2 3 4 5 6